



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 2 февраль, № 22 (6980)

Жума

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланади

Президентимизнинг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхона-
лариға келиб тушган муҳажжатлар таҳлили аҳолиға давлат
хизматлари кўрсатиш соҳасида тизимли муаммо ҳамда
камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Гарчи 2003 йилдан буён тад-
биркорлик субъектлариғи “Ягона
дарча” тамойили бўйича рўйхат-
дан ўтказиш шаҳар, туман ҳоким-
ликлари ҳузуридаги махсус ин-
спекциялар томонидан амалға
ошириб келинган, 2016 йилдан
улар негизида мазкур тамойил
асосида давлат хизматлари
кўрсатиш марказлари иш юри-
ган бўлса-да, бугунги шиддатли
ислохотлар даврида соҳа фаоли-
яти халқнинг талаб ва истаклари-
ға етарли эмаслиги кўзға яққол
ташланди. Яъни узундан-узун
навбатлар, сансалорлик ҳамда
оворагарчиликлар, бюрократия,
коррупция, бир масалада бир
нечта идораларға муҳажжат этиш
каби камчиликлар ҳам давлат би-
лан халқ ўртасидаги мулоқотни
янги босқичға кўтаришни кун тар-
тибига олиб чиқди. Шу мақсадда
Президентимизнинг “Аҳолиға
давлат хизматлари кўрсатишнинг
миллий тизими тубдан ислох
қилиш чора-тадбирлари тўғриси-
да”ги Фармони қабул қилинди.
Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Давлат хизматлари

агентлиги ташкил этилди. Ушбу
тузилма халқимиз ишончини
қозонган ва фаолияти самараси-
ни амалда кўрсатган Халқ қабул-
хоналари негизида яратилгани,
айниқса, диққатға сазовордир.
Инсон ҳар бир қадамида
давлат органлариға дуч келиши,
уларға иши тушиши мумкин. Халқ
оғирини енгил қилиш, давлат —
фуқаро муносабатларида уларға
қулайлик яратиш ва шаффофлик
таъминлашда Президентимиз
томонидан илгари сурилган
давлат хизматлари кўрсатишнинг
янги концепцияси ниҳоятда
аҳамиятлидир. Чунки мазкур кон-
цепцияда асосий эътибор
навбатда туришларни кескин
камайтириш, сансалорликлар
олдини олиш, халқнинг давлат
идораларидан рози бўлишиға
қаратилди. Дейлик, кундалик
ҳаётда ҳар биримиз рўпара кела-
диган жараёнлар — никоҳни қайд
этиш, фарзанднинг дунёға кели-
ши, болаларни мактабға таълим
муассасалариға жойлаштириш,
улар билан боғлиқ ҳужжатларни
расмийлаштириш, тегишли тўло-
лар эндиликда Давлат хизматлари

марказлари орқали амалға оши-
рилади. Бу одамларимиз учун
ортиқча сарф-харажатларни
камайтириш билан бир қаторда,
вақтни тежаш имконини ҳам
беради.

Айни пайтда Давлат хизмат-
лари марказларида аҳолиға
инновацион технологиялар ва
замон талаблариға мос равиш-
да 37 турдаги хизмат кўрсатиш
моқда. Жорий йилнинг 1 апрели-
дан улар сони 50 таға етиши
ҳамда давлат хизматлари
юридик шахслар билан бир
қаторда, жисмоний шахсларға
ҳам кўрсатилиши йўлга қўйи-
лиши кутилаётти.

Шу ўринда Наманган
вилоятида бу борада ижобий
тажриба тўпланганини таъкид-
лаш жоиз. Гап шундаки, Адлия
вазирлиги томонидан “Наманган
тажриба” лойиҳаси амалға
оширилётти. Бундан қўланган
мақсад соҳадаги муаммо ва
камчиликларни аниқлаш, ижобий
тажрибани республикамизнинг
барча ҳудудига кенг тартиқ этиш,
халқимизға ана шу хизматнинг
роли ҳамда вазифасини, аҳа-
миятини тушунтириш, “Нима
қилсак, халқимизға осон
бўлади?” каби саволларға ой-
динлик киритиш, унинг самарали
жиҳатларини намуна сифатида
кўрсатишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

«Frankfurter Allgemeine Zeitung» Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақида

Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларға дунё оммавий
ахборот воситалари катта қизиқиш билан қарамоқда. Немис
матбуоти ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Германияда
энг кўп нусхада чоп этиладиган ва қатор хорижий мамлакатлар-
да тарқатиладиган «Frankfurter Allgemeine Zeitung» (FAZ)
газетаси саҳифасида юртимиз ҳаётиға доир навбатдаги
мақола нашр қилинди.

ДУНЁ НИГОҲИ

“Ўзбекистон намуна бўлмақда”
сарлавҳали мазкур мақолада ёзи-
лишича, мамлакатда бошланган
иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар
жараёнида Президент Шавкат
Мирзиёев ўзининг либерал
ислохотчи эканлигини намойён
этмоқда. “Бу, ўз навбатида,
ўзбек бозорида бизнесни
ривожлантиришдан манфаатдор
бўлганлар учун савдо-иқтисодий
ва сармоявий ҳамкорликни
фаоллаштиришға яхши имкони-
ятлар яратади”, деб ёзади
«Frankfurter Allgemeine Zeitung».

Мақолада ўзбек миллий
валютасини эркин айирбошлаш
йўлга қўйилгани ташқи савдо
тараққиёти йўлидаги катта тўсиқ-
ларни олиб ташлаш имконини
берган энг муҳим қадамлардан
бири сифатида эътироф этил-
ган. Ўзбекистон молия институт-
лари маълумотлариға таянган
ҳолда хабар қилинганидек,
мамлакат монетар бозорини
либераллаштириш 2017 йилда
15 фоиз ошган экспорт
ҳажмлари ўсувчанлигиға ўзи-

нинг ижобий таъсирини
кўрсатади.

Газета республикамиз раҳба-
рийатининг савдо олдидаги
тўсиқларни бартараф қилиш,
коррупция ва бюрократияға
қарши курашиш, кичик ҳамда ўрта
бизнесни ривожлантириш бўйи-
ча қўраётган чора-тадбирларни
алоҳида қайд этган.

Шунингдек, немис газетаси
қўшни мамлакатлар билан ўзаро
муносабатларни яхшилаш ва
мустаҳкамлаш имконини берган
Ўзбекистоннинг янги ташқи сиё-
сатини ижобий баҳолаган.

Маълумот ўрнида айтиб ўта-
миз, «Frankfurter Allgemeine
Zeitung» кундалик газетасиға
1949 йилда асос солинган.
Бугунги кунда 300 — 400 минг
нусхада чоп этиладиган ушбу
нашр ўз саҳифаларида Германия
ҳамда хорижий мамлакатларнинг
сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий
ҳаётиға оид асосий ҳамда муҳим
воқеаларни ёритади.

«Жаҳон» АА.
Берлин

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади



«Йўл хариталари» ижроси мониторинг қилинади

Шу йил январь ойи бошида парламент аъзолари
худоудларда бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар
ўтказди. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари
билан ҳамкорликда жойлардаги аҳвол ўрганилиб,
мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур
чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбиркорлар ва ишби-
лармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-де-
мократик партиясининг
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасидаги фракцияси
томонидан депутатлар,
соҳа мутахассислари,
олимлар, экспертлар иш-
тирокида ўтказилган кен-
гайтирилган ййгилишда
мазкур ўрганиш якунлари
қўриб чиқилди. Бу бўйича
тегишли вазирлик ва му-
ассасалар раҳбарлари,
соҳа мутасаддиларининг
нуқтаи назари ҳамда ахбо-
ротлари тингланди. Молия
ва Иқтисодиёт вазирликлари
масъуллари тақдим
этган маълумотлар
муҳама қилинди.

Сўзға чиққанлар ўрга-
нишлар чоғида аксарият
муаммолар жойида ҳал
этилатгани, худоудларда
тасдиқланган «Йўл харита-
лари»нинг ижроси монито-
ринг қилинаётганини ало-

ҳида таъкидлади. Жумла-
дан, Президентимизнинг
тегишли Фармон ҳамда
қарорларида белгилаб бе-
рилган вазифалар ижроси-
ни таъминлаш мақсадида
ўтган йилда эркин иқтисо-
дий зоналар ва кичик са-
ноат зоналарини бошқа-
риш ҳамда улар ишини
ташкил қилишнинг янги ти-
зими тўлиқ жорий этилди.
Бугунги кунға қадар Қора-
қалпоғистон Республикаси,
Бухоро, Қашқадарё, Са-
марқанд ва Наманган ви-
лоятлари ҳамда Тошкент
шаҳрида учтадан, Навоий
вилоятида иккита, Сирдарё
ва Тошкент вилоятларида
битта кичик саноат зона-
лари ташкил қилинган.
Бундан ташқари, жойлар-
даги ҳокимликлар томони-
дан бу борадаги ишлар
қатъий режа асосида, яна-
да жадал сурьатда олиб
борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Бугун турли соҳаларға доир ўқтир муаммолар
ечими кадрлар салоҳияти билан ҳамбарчас
боғлиқ. Айниқса, жойларда тиббиёт ҳамда
таълим тизими мутахассислариға талаб ва
эҳтиёж юқори.

Президентимиз жорий йил 19-20 январь
кунлари Сурхондарё вилоятиға ташрифи чоғида
мазкур масалаларни самарали ҳал этиш
юзасидан мутасаддиларға тегишли топшириқлар
берган эди.

Сурхондарёда бир йўла учта олий таълим муассасаси очилди


Шунга мувофиқ, воҳада
бир йўла учта олий таъ-
лим муассасаси филиали
фаолияти йўлга қўйилди.
Эндиликда худоуд ёшлари
Тошкент тиббиёт академия-
си ва Низомий номидаги
Тошкент давлат педаго-
гика университетининг
Термиз, Термиз давлат
университетининг Денов
филиалларида таҳсил
олишлари мумкин.

Хусусан, Тошкент тиб-
биёт академияси Термиз
филиали Термиз тиббиёт
коллежи негизида иш
бошланди. Бунинг учун таъ-
лим дарғоҳида замонавий
шарт-шароитлар яратил-
ди. Зарур асбоб-ускуна-
лар, лаборатория жиҳоз-
лари келтирилди. Иккита
ўқув биноси, ахборот-
ресурс маркази, ёпик
спорт зали, 460 ўринли
иккита талабалар турар-
жойи фойдаланишға то-
пширилди. Талабаларға
қабул қилинган 300 нафар
ййигит-қизға малакали
профессор-ўқитувчилар
соҳа сир-асрорларини
ўргатадилар.

— 2016 йилда Шеробод
туманидаги тиббиёт кол-
лежини тамомлаганман, —
дейди Севара Олимова. —
Олий маълумотли мута-
хассис бўлиш орзусида
эдим. Шу мақсадда кетма-
кет икки йил Тошкент

Иссиқхоналар ноодатий усулда иситилади

ИННОВАЦИЯ



Муборак иссиқлик
маркази корхонасида
иккиламчи манбадан
фойдаланган ҳолда,
иссиқхоналарда сабзавот
маҳсулотлари етиштириш
йўлга қўйилди. Бунга
инновацион технология
ва ишланмаларни
амалиётда кенг қўллаш
орқали эришилди.

Гап шундаки, мазкур марказ худоуд-
даги йирик заводни буг билан узлуқ-
сиз таъминлайди. Бу иссиқлик энер-
гиясидан зарур мақсадда фойдалан-
гич, у қайта буглантириш учун сув ша-
лида марказға юборилади. Аҳамиятли

томони шундаки, иссиқлик марказидан
саноат корхоналариға юбориладиган
иссиқ сувнинг иккиламчи буги иссиқ-
хона ҳўжалликлариға йўналтирилади.
Яъни у махсус қурилмалар воситида
иссиқлик алмашинув ускуналариға

жўнатилиб, 80 даражағача бўлган харо-
ратда өтказиб берилаптики, тадбир-
корлар ушбу энергиядан омилкорлик
билан фойдаланаётти.

(Давоми 3-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатида АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва
Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси биринчи
ўринбосари Элис Уэллс бошчилигидаги
делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзаро ҳамкорлик истикболи муҳама этилди

Учрашувда Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажли-
си Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари
С. Сафоев Ҳаракатлар стра-
тегиясини “Фаол тадбир-
корлик, инновацион ғоялар
ва технологияларни қўллаб-
қувватлаш ййли”да амалға
оширишға оид Давлат дасту-
ри мақсад ҳамда вазифа-
ларидан келиб чиққан
ҳолда, мамлакатимизда
олиб борилаётган муҳим
ўзгаришлар мазмун-моҳия-
ти ҳақида сўз юритди. То-
монлар парламентлараро
мулоқотни янада жонлан-
ти-

риш, демократик ислохот-
ларни ўтказишда, икки
мамлакат ўртасида савдо-
иқтисодий ва инвестиция-
вий алоқаларни фаоллаш-
тиришда ўзаро муносабат-
ларни ривожлантириш со-
ҳаларидаги ҳамкорликнинг
жорий ҳолати ҳамда истиқ-
болларини муҳама қилди.

Э. Уэллс хоним Ўзе-
бекистон мутлақо янги ҳа-
латида тараққий этаёт-
ганини таъкидлаб, ижобий
ўзгаришларға ва ислохот-
ларға юксак баҳо берди.

Фарида МАХКАМОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.

2018 йил — ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БИРИНЧИ БўЛИМИ

давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришға бағишланган.

“ДАВЛАТ ХИЗМАТИ Тўғрисида”ги ҚОНУНнинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади.

Эндиликда ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимға муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.

Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги
МАРКАЗЛАШГАН ТИЗИМИГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ. Ҳукуматнинг
алоҳида функциялари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат
ҳокимияти органлариға ўтказилади. Барча даражадаги ҳокимларнинг
ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Электрон ЖАМОАВИЙ МУРОЖААТ ҚИЛИШ —
ПЕТИЦИЯ ЙўЛЛАШ тизими жорий қилинади.
Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва
жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими
бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин.

Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунгача вилоятдаги туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари томонидан жами мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилади. Дори воситалари чакана савдоси билан шуғулланиш учун рухсатнома олиш, ер участкасига бўлган ҳуқуқни ва ипотека тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш, тиббий фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини лицензиялаш, электрон рақамли имзо қилишнинг рўйхатга олиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсат бериш ҳамда бошқалар шулар жумласидандир.

“Наманган тажрибаси” лойиҳаси шуни кўрсатдики, Давлат хизматлари марказлари вазиёси ҳақида юридик шахсларда етарлича тасаввур бўлсада, лекин оддий одамлар бундан яхши хабардор эмас. Ваҳоланки, юқорида таъкидланганидек, жорий йил 1 апрелдан фуқароларга ҳам давлат хизматлари кўрсатилади. Ушбу муаммага амалий ёчим топиш мақсадида Давлат хизматлари агентлиги томонидан вилоятнинг энг олис, чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини ёшлар, тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил қилинди. Мулоқотларда аҳоли марказлар фаолияти, давлат хизматлари турлари билан яқиндан таништирилди.

Шу билан бирга, туман ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум ҳудудлар, бозор-



лар, савдо мажмуалари, шунингдек, реклама устунларига давлат хизматлари, уларнинг турлари ҳамда механизми ёритилган плакатлар, баннерлар ва флаерлар (кўргазмалар тарғибот материаллари) тарқатилди. Вилоятдаги 770 та фуқаролар йиғини биносидан Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар ҳамда бошқа маълумотлар жойлаштирилди.

Шу ўринда яна бир жиҳат. Олис ҳудудларда яшовчи аҳолига зарур мобил давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Давлат хизматлари марказларига “Дамас” русумли автомобиллар ва замонавий ноутбуклар ажратилди. Натижада вилоятнинг энг чекка ҳудудлари аҳолиси ҳам мобил хизматлар билан қамраб олинмоқда.

“Наманган тажрибаси” асосида жорий йилнинг 31 январидан Наманган шаҳар Давлат хизматлари маркази орқали жисмоний шахсларга солиқ ҳамда

бошқа тўловлардан қарзи йўқлиги (борлиги) ҳақидаги маълумотномани ва солиқ тўловчининг идентификацион рақамини (СТИР) бериш, ер участкаларига, бинолар, иншоотлар ҳамда кўп йиллик дов-даракларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли гувоҳномалар бериш каби хизматлари белгиланган муддатидан аввал кўрсатилиши амалиётга татбиқ этилди.

Кўриниб турибдики, бугун жойлардаги Давлат хизматлари марказлари орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кундалик муаммоларига тезкорлик билан ёчим топиламоқда. Бу юртдошларимизга бекиёс қулайликлар яратилгани, халқимизга замонавий ва инновацион хизмат кўрсатишнинг истиқболли тизими ишга тушганидан далолат беради.

Савора ЗАКИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
хузуридаги
Давлат хизматлари
агентлиги
бўлим бошлиғи.

Кичик саноат зонасида цемент заводи қурилмоқда

Поп туманидаги собиқ “Узурберойд” масъулияти чекланган жамияти негизига ташкил этилган кичик саноат зонасида дастлабки лойиҳани амалга оширишга киришилди. Бу ерда хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда цемент заводи қурилмоқда.

ИНВЕСТИЦИЯ

Мазкур “Попцемент” қўшма корхонаси ишга тушиши билан маҳаллий хом ашёдан йилга 500 минг тоннагача сифатли қурилиш ашёси тайёрлаш имконияти юзага келади. Бунинг учун 54 миллион АҚШ долларилик сармоя йўналтирилмоқда.

Бизнес-режага мувофиқ, лойиҳани жорий йил сентябрь ойида ниҳоясига етказиш кўзда тутилган. Шунда бу ерда 300 кишининг бандлиги таъминланади.

— Айни пайтда бинокорларимизнинг цементга бўлган эҳтиёжи, асосан, бошқа вилоятлардан келтириладиган маҳсулот ҳисобига қопланмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошқарувчи Фарҳод Мадраҳимов. — Яқин вақт ичида ижросини топадиган уч лойиҳа шарофати билан йилга 1,2 миллион тоннадан кўпроқ қурилиш хом ашёсини Наманганнинг ўзидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу орқали цемент таъминоти яхшиланадиган ташқари, жойларда 400 га яқин иш ўринлари яратилади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Коррупцияга қарши қатъий ва изчил курашиш — долзарб вазифа

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га Мурожаатномасида давлат ва жамият ривожини издан чиқарувчи иллат — коррупцияга қарши курашиш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида қўнун қабул қилинган, шу асосда аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури изчиллик билан амалга оширилаётгани, натижада 2017 йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлиқ жиноятлар 2016 йилдагига нисбатан 33 фоиз камайганини таъкидлади. “Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги ушбу ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада қатъий иш олиб боришимиз шарт”, деди давлатимиз раҳбари.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Дарҳақиқат, бугун юртимизда янада жадаллашган кенг қўламдаги ислохотларда, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигида очиклиги, шаффофлиги мустаҳкамлаш коррупцияни тағ-томири билан йўқотишни, фуқароларда қўнунга ҳурмат ва итоаткорлик ҳиссини юксалтиришни тақозо этмоқда. Бу борада мамлакатимиз ички ишлар органлари томонидан ҳам тизимли ишлар амалга оширилаётган.

2017 йил давомида соҳа ходимлари савб-ҳаракати билан 1 минг 426 та шу турдаги жиноят қош этилиб, 407 гуруҳнинг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Ўз

навбатига, мунтазам ташкил қилинаётган профилактик тадбирлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Мамлакат эртаси, шубҳасиз, ёш авлод маърифати, маънавияти ва қамолотига чамбарчас боғлиқ. Таълимнинг барча бўғинида қўнунчилик талабларини сўзсиз бажариш, илгор хориж тажрибаларини татбиқ этиш ва асосийси, ўқитувчи-педагогларнинг ўз касбида сadoқат, фидойилик ҳамда маъсулият билан ёндашуви бунда таъбир жоиз бўлса, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бироқ, таассуфки, соҳа вакиллари орасида шарафли номга доғ тушираётганлар ҳам йўқ эмас.

Бир мисол. Самарқанд давлат университетидида факультет деҳани сифатида фаолият юритган Д. Алимова ўтган йил олий ойида 4 абитуриентни ўқигаҳи киратиш эвазига 23 минг АҚШ доллари миқдоридан пора олаётган вақтида қўлга тушди. Аслида бундай жиноятлар бутун миллатнинг, давлатнинг келажагига раҳна солиш билан баробар эканини унутмаслик зарур.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидида хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний таъвоузлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга бутунлай чек қўйиш, мамлакатда ишчанлик ҳамда инвестициявий жозибadorликни ошириш бўйича ҳуқуқий кафолатлар ўз ифодасини топган. Зотан, тадбиркорлик ривожига халқ фаровонлигининг, иқтисодий юксалишнинг муҳим шарт ҳисобланади. Аммо “Микрокредитбанк” АТБ Андижон вилояти филиалида ишлаган Э. Холмирзаева ва О. Исоқов ўз мансабининг суидеъмол қилиши элу юртга наф келтиришга бел боғлаган бир ишда билармоннинг ишонига путур етказди. Улар тадбиркор У. Урмоновнинг банкдаги ҳисоб рақамидан

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Ушбу вазифаларни самарали бажариш мавжуд корхоналарнинг барқарор ишлашига боғлиқ.

Соғлом рақобат муҳити — тараққиёт гарови

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгаришнинг чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ишлари бугун янги босқичга чиқди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси бунда муҳим асос бўлмоқда.

Албатта, кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал тараққиёт этириш зарур.

Президентимизнинг Олий Мажлиси-га Мурожаатномасида “Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизимини ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чиқишимиз лозим. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак”, деган сўзлари замирида иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ночор

корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳамда бошқарув механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгариштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш жараёнига инвестициялар киритиш устувор йўналиш эканлиги ўзининг амалий ифодасини топган.

Юртимизда зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди ва бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, вилоятимизда ўтказилган хатлов жараёнида 1398 та аввал хусусийлаштирилган корхона ва объект ўрганиб чиқилиб, улاردан 141 таси бўш тургани, қамқувват билан фаолият юритаётгани аниқланди. Бу корхона ва объектларнинг ҳар бири

атрофлича таҳлил қилиниб, келгусида улар негизда самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 111 корхона ва объектга 237 миллион сўм инвестиция жалб қилиш режалаштирилди. Ўтган йил якунига кўра, самарасиз ҳамда зарар кўриб ишлайдиган мазкур корхоналарга

150,1 миллиард сўм инвестиция жалб қилинди. Натижада 509 та иш ўрни яратилди. Масалан, Кармана туманида фаолияти тўхтаб қолган “Навоий паррандачилик фабрикаси” негизда ташкил этилган “Гулобод Осий парранда” МЧЖ томонидан 150 минг бошга мўлжалланган паррандачилик комплекси очилди. Бунинг эвазига 40 та иш ўрни яратилиб, ўтган йилда маҳаллий бюджетга қўшимча 800 миллион сўм солиқ тушишига эришилди.

2017 йилда инвестиция мажбуриятлари эвазига “ноль” харид қиймати берилган 6 та самарасиз, фойдаланилмасдан бўш турган давлат объектига хусусий тадбиркорлар томонидан 13,4 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Қолаверса, вилоятдаги 13 та бўш турган давлат объекти 11,8 миллиард сўм ва 63 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция мажбуриятлари ҳамда 230 дан зиёд янги иш ўринлари яратиш шарти билан ишбилар-

монларга “ноль” қийматда берилди. Бу ҳам давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасидаги изчил ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, самарасиз корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш орқали уларнинг монополистик мавқеини тугатиш, бозорни янада либераллаштириш имконияти яратилади. Рақобат қайси баҳаларда олиб борилишидан қатъи назар, унинг марказида инсон манфаатлари туради.

Мамлакатда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг рақобатдошлигини зарур даражада сақлаб туриш чуқур ўйланган, стратегик аҳамиятга эга бўлган аниқ мақсадли ҳаракатларни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош мақсади ҳам товар ва хизматлар бозорларида самарали соғлом рақобат муҳитини яратишдан иборатдир. Зеро, давлат мулки бўлган, аммо фаолият кўрсатмаётган, самарасиз объектларни хусусийлаштириш, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга кенг иқтисодий эркинлик бериш орқалигина товарлар ҳамда хизматлар бозорига ҳалол рақобат муҳити тўла-тўқис шакллантирилади.

Қобул ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

«Йўл хариталари» ижроси мониторинг қилинади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конструктив мулоқот руҳида ўтган йилгида ҳам бир муҳим масала — кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига уй-жой мулкдорла-

ри ширкатлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, туманларнинг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасига эътибор қаратилди. Деярли барча ҳудудда, чу-

нончи, Мирзачўл, Ёзёвон, Нуробод, Миришкор, Шуман, Олтинсори, Томди, Янгибозор, Ромитан, Мингбулок, Оқолтин, Зангиота туманларининг маҳаллий ички йўллари ачинарли ҳолатга

келиб қолгани, бу бўйича зарур чоралар кўриш лозимлигига ҳам иштирокчилар эътибор қаратди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳаётини қонунлар одамлар турмушида акс этади

Қачон янги қонунлар ишлаб чиқилади? Қачонки, бунга ҳаётини эҳтиёж ва зарурат тўғрисида, қолаверса, унда одамлар турмушини янада яхшилаш, мамлакат тараққиётини юксалтиришга хизмат қиладиган асослар мавжуд бўлса...

Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоҳлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида ана шундай ҳаётини зарур ҳужжатлардан бири — “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

“Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан журналистлар иштирокида ўтказилган анжуманда партия ташаббуси билан бир неча йиллардан буюн тақомилга етказилаётган мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти, уни кенг жамоатчилик му-

ҳокамасидан ўтказишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида фикр юритилди.

Фракция раҳбари Н. Умаровнинг қайд этилишича, лойиҳада инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари, инновацион гоҳлар, ишланмалар ҳамда технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, халқорамкорлик, инновацияларни амалиётга жорий этишга оид қонунлар назарда тутилди. Айни пайтда ушбу қонун лойиҳаси жойларда соҳа мутахассислари ва партия электорати томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Иннова-

цион ривожланиш вазирлиги билан ушбу йўналишда ҳамкорлик давом эттириляпти. Мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаши, шубҳасиз, юртимиз тараққиётига хизмат қиладди.

Анжуманда фракциянинг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисбоси қилиниб, истикболдаги режалари ҳақида батафсил ахборот берилди. Таъкидланганидек, 2017 йилда фракция аъзолари 15 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлдилар. Шунингдек, 2 та алоҳида қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди ва қабул қилинди. Ўтган даврда назорат-таҳлил фаолиятида, шунингдек, одамлар билан очик мулоқотларни олиб боришда ҳам самарали натижаларга эришилгани эътироф этилди. Депутат-

лар томонидан жойлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммолар, шу жумладан, тор соҳа шифокорлари ва дори-дармонлар етишмаслиги, моддий-техника базасининг талаб даражасида эмаслиги ҳамда тез тиббий ёрдам хизматидаги камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни ҳал этишда амалий кўмак берилди.

Анжуманда жорий йилда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мактабгача таълим тизимида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада, айниқса, нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш, мактабгача таълим, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимда аттестация ҳамда аккредитация қилиш жараёнида даврага келтирилиши эътироф қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Қисқа

сатрларда

● Қимматли қорозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан ўтказилган семинар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Рақобат тўғрисида”ги қонунларига қиритилган ўзгартиш ва ўқимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга бағишланди.

● Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида тизимдаги мавжуд хато ва камчиликлар таҳлил қилиниб, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишда айрим муаммолар, жиҳидий камчиликлар кўзга ташланганлиги айтиб ўтилди. Ўз навбатида, нотаириал идоралар ҳамда ФХДЭ органлари томонидан олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ўзбекистон ёшлар иттифокнинг Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда қизлар отряди қурсантлари ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг учрашуви уюштирилди.


● Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигида фермерлар, бюджет ташкилотлари ҳамда бошқа ҳужалик юрттувчи субъект вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда солиқ қонунчилигига қиритилган ўзгариш ва қўшимчалар, жорий қилинган имтиёзлар мазмун-моҳияти тушунирилди ҳамда ҳужалик юрттувчи субъектларнинг юзага келган солиқ қарздорлигини бартараф қилиш масалалари муҳокама этилди.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси муассасаларида ишлаётган патронаж ҳамшираларининг назарий ва амалий малакасини ошириш, патронаж хизмати кўрсатиш бўйича илгор тажрибаларни омалаштириш олдига қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Бинобарин, коррупцияга қарши қатъий иш қилиш орқали тараққиёт пой-девори мустаҳкамланиб, барча соҳада очиклик, қонунчилик мустаҳкамланади. Мухими, аҳолида давлат ҳокимиятларига нисбатан ишонч орттириш бораверида.

Санжар ҚҮРБОНМУРОТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Жамоатчилик ва ОАВ билан
алоқалар бошқармаси ходими.

«Халқ сўзи» мухбирлари хоборлари асосида таъйинланди.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР



Қатнов масофаси анча қисқарди

Тошкент — Бухоро йўналишида "Афросиёб" тезорар электропоезди қатнови йўлга қўйилиши Навоий — Тинчлик темир йўл бекатлари оралигидаги йўлутказгични қайта қуриш заруратини тудирган эди.

— Ўтган йил апрель ойида иш бошлагандик, — дейди Навоий вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Меҳриддин Сувонов. — Кўприкни қайта қуриш вақтида унинг кириш-чиқишидаги 622 метр узунликдаги йўл ҳам тўлиқ қайта таъмирланди. Бундан ташқари, иншоот замонавий ёритиш тармоқлари, сувни бартараф этиш тизими, тўсиқлар ҳамда йўл белгилари билан жиҳозланди.

9 миллиард 908 миллион сўм маблаг йўналтирилган кўприкнинг қайта ишга туширилиши "Электромезаводи" қўшма корхонаси, "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятларига қатнаётган транспорт воситалари манзиллини 8 километрга яқинлаштирди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар энди овора бўлишмайди

Энди тадбиркорлар солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар борасида тўлиқ маълумот олиш учун вақт кетказиб, идорама-идора юрмайдилар. Негаки, солиқчиларнинг ўзлари улар ҳузурига келиб, саволларига батафсил жавоб беришмоқда.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, масъул ходимлари, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Жиззах шаҳар ҳокимлигида ўтказилган кўргазмали семинар бу амалиётнинг нечоғли фойдали эканлигини исботлади.

— Мавжуд қонун ҳамда қонунности ҳужжатлари, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг маълумотлар беришимиз ишбилармонларга қўл келмоқда, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Иноят Мухаммадиев. — Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун, оз бўлса-да, хизматимиз синггаётганидан мамнунмиз.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таҳриба алмашишнинг фойдаси катта

Фарғоналик пиллачилар Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган семинарда қатнашганларида, Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қаршили пиллаҳонада плёнка остида ҳамда сунъий дасталарда саноатбон хом ашё этиштирилаётганига гувоҳ бўлишганди.

— Бунда барг сарфи 30 фоизгача камаяр экан, — дейди Фарғона вилояти "Агропилла" масъулияти чекланган жамияти раиси Мўминжон Абдужабборов. — Белгиланган дастур асосида ҳар бир туманда 30 гектардан майдонда янги тузторлар ташкил этарканмиз, сурхондарёликларнинг таҳрибасидан фойдаланиш бизга фойда келтиради.

Жорий йилда 30 минг 200 қути ипак қуртидан 1650 тонна пилла этиштириш учун вилоятдаги 6165 та фермер ҳўжалиғи билан тўғридан-тўғри шартномалар имзоланди. Пиллани қайта ишлаш корхоналари билан ҳам келишувларга эришилди.

Элёржон ЭХСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тумандаги "Азиз агро транс фэйз" масъулияти чекланган жамиятида бу соҳада умумий қиймати 3 миллиард 620 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Шу жумладан, молия муассасасининг 2 миллиард сўмлик кредити ҳисобига 4 гектар ерда иссиқхона ташкил этилиб, 30 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

— Муборак иссиқлик

ланди. Бу биз, ишбилармонларни хориж бозорлари-га чиқишга илҳомлантирмоқда.

Этиборлиси, ҳудудда иссиқхона ҳўжаликлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Айни пайтда "Зоирова Моҳинур Зоҳидовна", "Кафолат ишонч агро", "Ҳамид Пўлат Файз", "Қодиржон Насуллаев", "Зикрилло Мухаммад Содиқ замини" масъулияти чекланган жамиятлари мазкур йўналишдаги

Ҳозирги пайтга қадар 31 тадбиркорлик субъекти томонидан 84 гектар май-донда иссиқхона ташкил этилиб, 570 та иш ўрни яратилди. Ўтган йили тадбиркорларимиз элимиз дастурхонига 1,5 минг тонна бодиринг тортиқ қилишди. Жорий йилнинг биринчи чо-рагида яна 3,5 минг тонна бодиринг ва 1,5 минг тонна помидор этиштирилиши кўзда тутиляпти. Иссиқхо-налар ҳисобидан яратилади-

ган помидор узилганидан кейин ҳам 15 кунгача ўз сифатини йўқотмайди. Шу жиҳатдан қараганда, уни беамалол экспорт қилиш мумкин. Ўтган йили 2 гек-тар иссиқхонадан 10 мил-лион сўмлик маҳсулот сот-дик. Яқинда яна 4 гектар-лик иссиқхонани ишга туши-риш ниятидамиз.

Муборакдаги газни қайта ишлаш саноати корхона-лари мамлакатимиз ёқилғи-энергетика тармоғида ҳал

Иссиқхоналар ноодатий усулда иситилади

электр марказидан чиқаётган иккиламчи буг совитиш жараёнида бизнинг иссиқхо-наларимиз орқали ўтади, — дейди жамият раиси Қобилжон Ғуломов. — Бу эса иссиқхоналарда 25 да-ражагача доимий ҳароратни таъминлайди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бир гектар майдонни иситиш учун қанча ёқилғи кетади? Бизнинг ҳисобимиз бўйича бир ойда сарф этиладиган кўмир ёқилғиси, ишчи кучи ва бошқа харажатлар 30 — 40 миллион сўмни ташкил қила-ди. Иссиқлик марказидан "Ўз оёғи" билан келаётган энер-гия эса юқоридаги харажат-лардан камда икки бара-вар арзон тушади. Буни ҳақиқий инновация, деса бўлади.

Ҳозирги кунда 6 гектар-лик иссиқхонамизда поми-дорнинг Испаниядан келти-рилган "К-26", "1955", бод-рингнинг "Мелен" нави этиштириляпти. Хосилдор-лик гектарига 80 — 120 тон-нани ташкил қилмоқда. Маҳсулотларимиз шу пайт-гача маҳаллий бозорлар ор-қали ҳалқимиз дастурхони-га етказиб берилган бўлса, жорий йилдан бошлаб, Россиядаги ҳамкорлар бил-лан экспорт бўйича шартно-малар тузилмоқда. Биноба-рин, Президентимиз томо-нидан экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча ҳужжатлар имзо-



йирик субъектлар сирасига киради.

— Бундан ташқари, ҳудудий дастур доирасида аҳолини арзон ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, туман экспорт салоҳиятини оши-риш мақсадида 63 та тад-биркорлик субъектига иссиқхоналар ташкил этиш учун 250 гектар майдон ажратиб берилди, — дейди Муборак тумани ҳокими-нинг биринчи ўринбосари Садриддин Нарзиев. —

ган иш ўринлари сони эса йил охиригача 2200 тага етказилади.

— Шароит бўлгандан кейин ишлагинг келади, ал-батта, — дейди "Зикрилло Мухаммад Содиқ замини" масъулияти чекланган жамия-ти раиси Ризамат Садиев. — Биз ҳам иккиламчи буг асосида 2 гектар майдонда иссиқхона қурганимиз. Айни пайтда ушбу "томорка"миз-да помидорнинг "Дафнис" навини парваришляпмиз. 160 кунда пишиб етилади-

килувчи ўрин эгаллайди. Соҳага замонавий техноло-гияларнинг жалб этилиб, диверсификация ва модер-низация қилинаётгани эса маҳсулдорликни доимий равишда ошириш баро-бариди, корхоналарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари рўёби, ҳудуд равнақида янги имкониятларни юзага чиқармоқда.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

Файзу барака осмондан тушмайди

У ернинг ҳар бир қаричида мужассам.

Тошовул — Оққўрғон тумани марказига яқин қишлоқ.
Газ, сув, электр таъминоти, савдо ва маший хизмат кўрсатиш соҳаларида муаммолар йўқ. Ўзига тўқ хонадонлар бу ерда таҳлилгина.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Ойбек кўчасидаги 64-уйда яшовчи Ботир Омоновлар оиласи — шулардан бири. Дарвозадан кириш-ингиз билан баҳридингиз очилади. Тураржой бинолари дид билан таъмирланган. Ҳовли саранжом-сарийш. Узум сўриларига бўёқ берилган. Анвойи гуллар, паст бўйли мевали дарахтлар ўтказилган. Томорқада тўқсонбости экин-лар — пилёз, саримсоқпёз, кўкат-лар парваришланмоқда. Лимон этиштирилаётган мўъжазгина иссиқхона ҳам бор. Олинган ҳосил, аввало, рўзгор учун ишлатилади, ортгани — бозорга.

Хонадоннинг асосий даромад манбаи эса қорвачилиқдан. Ўйда боқилаётган сигирлар сони кўпайиб кетгач, қорамолчиликка икти-сослаштирилган фермер ҳўжалиғи

ташкил қилинди. Хориждан наслик чорва олиб келинди. Ҳозир ҳўжаликни кенжа ўғил — Шаҳзод Абдужабборов бошқараяпти. Отасининг маслаҳат ва йўл-йўриқ-лари билан яхшигина даромад олмақда. Акаларининг топиш-тутуши ҳам ундан кам эмас.

Қарилик гаштини сураётган хо-надон соҳиб ва турмуш ўртоғи — нафақадаги ўқитувчи Машхура опанинг фарзандларидан кўнгли тўқ. Уй китобга тўла. Уч ўғил ва бир қизнинг таълим-тарбияси учун барча шароитни муҳайё қилишга-ни энди ўз мевасини берапти. Ҳаммаси олий маълумотли, ота-ларининг қанотига қиришган. Тағида машина, ихтиёрида кўзни қувнатадиган ҳовли-жойлар. Маҳалланинг намунали ва обрў-

этиборли оилаларидан ҳисоб-ланишда.

Бирок, афсуски, ҳамма ҳам шундай эмас. Қўшни Ёглик кўча-сидаги 7-уйда яшовчи Бозорбой Арслонов хонадонидан мисол. 12 сотих майдоннинг бир чеккаси-га қурилган пастак иморат нураб кетган, таъмирталаб. Томорқада ўтган йили экилган маккажуҳори-нинг илдизлари қуришиб турибди. Ер ханузгача ҳайдалмаган. Хона-дон эгасининг тракторчи эканлиғи эйтиборга олинса, бу иш унга муаммо эмаслиғи ойдинлашади. Уй атрофи девор билан ўралмаган. Очиқ майдонга шох-шаббалар тартибсиз уйиб ташланган...

Хонадон соҳибни тураржойни таъмирлашга қўли калталиқ қилаётганлигини айтиди. Лекин томоркани тартибга келтириш учун маблағ талаб этилмайди-ку, ҳаракат ва ҳафсала бўлса, кифоя. Турри, рўзгор тебратиш осон эмас. Бозорбой ака тўрт киз, бир ўғилни воёга етказди. Кетма-кет уч қизни турмушга узатди, дабаба-ли тўй қилди. Қариндошлар бер-

ган тўғналарни икки хисса қилиб қайтармоқда. Қисқаси, маросимлар кўп, харажатлар ҳам шунга яраша. Фарзандларнинг билим олиши-га эйтиборсизлиғи туфайли улар ўрта маълумот билан қолиб кетиш-гани ташвишланарли ҳол. Ўғли Иброҳимнинг ҳам тайинли иши йўқ. Томорқа билан шуғулланишни ўзига эп билмайди. Баҳона эса тайёр: "Ҳар ҳолда, қора қозон қайнаб турибди-ку", дейди.

Ачинарлиси шундаки, маҳалла-да бундай оилалар бир ёки иккита эмас. Ваҳолонки, 6 — 8 сотихли томорқадан миллионлаб сўм даро-мад олаётганлар қанча?! Бир бош сигир ёки 50 бош товўк бутун бош-лиқ рўзгорни тебратиши ҳаммага аён. Бунинг учун қишлоқ жойда шароит ҳам, имконият ҳам етарли. Фақат ҳаракати иштиёқ керак, холос. Қўни-қўшни, маҳалла кўма-ғи ҳамда маслаҳати ҳам ортқи-чалик қилмайди. Айниқса, бунда фуқаролар йиғинининг алоҳида ўрни ва таъсири бўлиши лозим. Аҳоли ўртасида ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантиришга

қўмаклашиш, фарзанд тарбияси, оила бюджетини оқилона сарфлаш масалаларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдан чарча-маслик вақти аллақачон келган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 5 январь кун Оққўрғон туманида бўлганда, туман бош режаси лойиҳаси билан танишди. Ўртобшимиз кўрсатмаларига му-вофиқ, ҳудуд маркази замонавий шаҳарсозлик андозалари асосида қайта қурилади, бир нечта кўп қаватли тураржой бинолари қад ростлайди. Қўркам боғлар ташкил этилади, янги иш ўринлари ярати-лади. Табиийки, бу ишларнинг асосий қисми давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунёдкорлик юмушларига, олиб борилаётган ислохотларга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Бу, энг аввало, уларнинг ўзи яшаб турган хонадонни обод ва файзли қилиш, фарзандлар таъ-лим-тарбияси учун етарли шарт-шароитлар яратиш, томорқа имко-ниятларидан самарали фойдала-ниш, оила даромадини кўпайтириш ва шу орқали турмуш маданияти-ни яхшилаш йўлидаги савй-ҳара-катларида яққол намоён бўлади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН 6 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 январдаги 1-мх-сон "Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2960 (2018 йил 10 январдан қучга кирди).

2. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 4 декабрдаги 7-сон "Энергетик ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар билан ишлашни ташкил этиш қондалари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги буйруғи.

2018 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1178-3 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривож-лантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 1 декабр-даги 01/15-2-10/34-сон "Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1024-9 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 180-сон "Молия органла-рида бюджетдан ташқари маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб беришчилар ўрта-сидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва улар-нинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби ҳақида вақтинчалик низоми тасдиқлаш тўғриси-да"ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди,

рўйхат рақами 1475-2 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 183-сон "Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан маблағ билан таъ-минлашнинг йиллик база нормативларини белгилаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1006-1 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги 184, 28-2017-сон "2008 ва 2009 йилларда Олий таълим муассасаларига фойсиз бюджет суудаларини ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1818-2 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 7-мх-сон "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомининг 18-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1921-1 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 8-мх-сон "Адвокат стажёри-нинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида-ги низомининг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-1 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 9-мх-сон "Нотариус стажё-рининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғриси-даги низомининг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-7 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 10-мх-сон "Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиғи, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги мала-ка комиссиялари тўғрисидаги низомининг 21-банди-га ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-4 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 6 январдаги 11-мх-сон "Нотариус лавози-мига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча ки-ритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-10 (2018 йил 8 январдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи, Давлат солиқ қўмитасининг "Чакана савдо тармо-ғида сотиладиган олтиндан ишланган заргарлик бў-жумларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 2328, 2012 йил

16 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2328-1, 2013 йил 8 февраль).

Адлия вазирининг 2017 йил 23 ноябрдаги 407-мх-сон буйруғига асосан давлат реестри-дан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлигининг "Балиқ овлаш кор-хоналарида табиий сув хавзаларидан фойдаланган-лик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1292-1, 2010 йил 15 февраль), (рўйхат рақа-ми 1292-2, 2010 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 1292-3, 2015 йил 9 июль).

Адлия вазирининг 2017 йил 30 ноябрдаги 419-мх-сон буйруғига асосан давлат реестри-дан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг "2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида"ги қаро-ри (рўйхат рақами 2843, 2016 йил 1 декабрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 19 декабрдаги 456-мх-сон буйруғига асосан давлат реестри-дан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи, Давлат солиқ қўмитасининг "Алкоголли маҳсуло-тлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нарх-ларни қайта қўриб чиқиш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2845, 2016 йил 1 декабрь).

Адлия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 481-мх-сон буйруғига асосан давлат реестри-дан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг "Молия органларида бюджетдан ташқари маблағ

Сурхондарёда бир йўла учта олий таълим

муассасаси очилди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Термиз давлат универ-ситетидан маълум қилиш-ларича, ўтган йили мазкур таълим муассасасининг бакалавриат йўналишлари-га 67 минг нафар абиту-риент ҳужжат топширган. Тест имтиҳонлари якуни бўйича шулардан 1800 на-фари 43 йўналиш бўйича талабалikka қабул қилин-ган. Эндиликда бу кўрсат-кич янада ошди. Яъни Термиз давлат универси-тетининг Денов филиали-га 700 нафарга яқин тала-балар тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳати, ҳар уч филиални битирадиган ёшларнинг бўлажак иш жойлари ҳозирданок тайин. Негаки, улар ўз ҳудудидаги тиб-биёт ва таълим муассаса-лари билан шартномалар имзолашган.

Олий таълим муассаса-лари филиалларининг тан-танали очилиш маросим-ларида Сурхондарё вило-яти ҳокими Э. Турдимов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Шодмонов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Мажидов иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

23 йил кутилган кун

Андижонда фуқаролиғи бўлмаган 32 кишига фуқаролик паспортларини топшириш маросими ўтказилди.

ФАХР

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

«Умри боқий топқамен...»



Алишер Навоий:

**Хилвате топиб, сени хисмим аро
жон айласам,
Балки жон хилватсаройи ичра
меҳмон айласам,**

— деган мисраларни ёзганида, қарилқил фаслига етган ва руҳида унс ҳоли ғолиб эди. Бунга байтнинг умумий мазмунидан, хусусан, хилват орузидан илғаш қийин эмас.

Хилват — халқдан узоклашиб, улардан айри яшаш учун бирор-бир гўшага чекиниш демак. Тасаввуфий маънода хилват ёки узатдан кўда тутилган асосий мақсад ёмон ахлоқдан ажраллиш, тубан ишлардан воз кечиш, қалбни хилолатириб, руҳни ҳузур ва фароғатга етиштириш. Бу узок давом этадиган ҳодиса эмас. Лекин шу қисқа муддатда машуққа оқибнинг жисми аро жонга айланиши мумкин. Навоий эса ошқорлар учун доимий оруз бўлиб келган ёр ила хилват ҳусусида сўзлаётди. Аммо бу хилват моҳияти тамоман бошқача. Чунки, ошқ ёрни жисми ичра жон этиб «хилватсаройи ичра меҳмон» қилиш билан кифояланмасдан, «танда жон янглиг» уни жон бағрида пинҳон тутмоқчи:

**Хилват элдин ёшурун,
хилват аро тан ёшурун,
Танда жон янглиг сени жон ичра
пинҳон айласам.**

Маълумки, жон форсий сўз бўлиб, рух, кўнгли, тириклик нафаси сингари маъноларни ифодала-

ган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида жон тушунчаси жуда кенгайтирилиб, калима таркибига янги маънолар киритилган. Масалан, эндигина сайри сулуқ йўлига кирган дарвешларга мавла-вийлар «жон» дейишган. Кўп тариқатларда эса жондан мурод меърожи маънавий бўлган. Бундай юксалиш ҳолидан йироқ шеърхон висолни яшириш, махфий саклаш учун «жон пардаси»ни имкони бўлгани қадар ҳар томонга осиб ёки қандай осилини умуман тасаввуф қила олмайди:

**Анда ҳам жон пардасин
ҳар сари осиб сатр учун,
Васлинг ихфосин неҳаким,
бўлғай имкон, айласам.**

Хўш, бу гаплар кимга қаратилган ва уларнинг ҳақиқатини ким тўғри англай олади? Ўзлик масаласида бош қотирмаган, ўзликдан кечиш йўл-йўриқларидан беҳабар ҳеч ким. Мосиводан (Ҳақдан бошқа ҳаммасидан) бутунлай фориг бўлиб Ҳаққа боғланган чин ошқ ёки ориф мана бу байтда гап нима тўғрисида эканлигини тез ва хатосиз билиб олади:

**Чу бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам,
не мен,
Ҳар не номаҳрам дурур,
ўздин паришон айласам.**

Аслида «Ўзлук» ҳам бир мен. Аммо Навоий шундай бир «хилват»дан баҳс юритаётдики, унда ўзликдан нисбатан ажралган, аниқроғи, ишқ оташида тобланган иккинчи «мен» ҳам ёрга тўла маҳрам бўлишга қодир эмас. Бироқ «ҳар не номаҳрам» бўлса, барча-барчасини ўздин йироқ-лаштиришга қасд қилган худди ана шу «мен» ғазалнинг бош қарамонидир. Нафс ва нафсоний майлар унга ағёр бўлганидек, Ҳақдан йироқ қолганлар ва воқиф бўлмаганлар ҳам ағёрдир. У ишқ изҳори-га тил нечоғли оҳиз деб билса, ҳижрон дарди шарҳида ҳам «безабонлиг» «усули»ни танлайди:

**Дафъ ўлуб ағёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиг бирла шарҳи дарди
ҳижрон айласам.**

Тасаввуф қилинган, ошқнинг хилватга дахлдор ва байтма-байт таъкидланиб келинган деярли

барча истак ёхуд хоҳишлари рўёбга чикди. У энди мулқат фориг ва сокин одам. Бундай ҳолнинг ҳикмати нима? Биринчи ҳикмати, лаҳза мазмунини, лаҳза сурурини ўзида муҳассамлаштирган ва лаҳза нуридан мунаввар ҳолга соhib бўлиш. Зеро, боқий умр асрори «бир лаҳзаллик ушбу ҳол аро» яшириндир. Шу боис ҳам ошқ ҳеч иккиланмасдан «Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро», дейди. Иккинчи ҳикмат, ошқлик камолтини белгилочи беҳудлик ёки беҳушлик «мақоми»га кўтарилиш. Бу мақомда тил ишқ асрорига маҳрам эмаслигини англаган ошқ бир умр жамол завоқи ила нафас олишни истайди:

**Умри боқий топқамен, бир лаҳза
ушбу ҳол аро,
Ўзни беҳуд, кўзни руҳсорингга
ҳайрон айласам.**

Сиртдан қаралганда, ғазал мақтасидаги фикр олдинги байтлардаги гаплар билан мантқан унча боғланмайдиган. Чунки ўқувчи ишқ тарки икорини ҳалға ҳам келтирмайди. Аксинча, султоний бир ҳолга етишган ошқликнинг истиқболига ўзича инонгани келади. Аммо ғазалда талқин этилган «хилват» тўғрисида ҳамма ҳам идрок қилишга қодир эмас. Айниқса, ўздин кечиб, ҳайрат водисига етган «беҳуд» ошқ аҳволига кўнчилиш бошқача нигоҳ билан қараши табиийдир. Шоир масаланинг шу жиҳатини ҳам ҳисобга олади ва ишқ йўлидан чекинишга асло илоҳи йўқлигини шундай тарзда баён этади:

**Эй Навоий, дема икор айла ишқи таркини,
Ким инонғай, гар ўзумга бўйла
бўхтон айласам.**

Одатда, орифона ғазалларда ҳаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, қаттиқ-қичқидир, ҳар бир нарсани фано ва баҳо ҳоли ила мушоҳада қилишга даъват этилади. Умуман олганда, Навоийнинг ушбу ғазалини турлича талқин қилиш мумкин. Зеро, унинг буюк истеъдоди яратган бадийят ҳазинаси бебаҳо ва ноёблиги билан абадиётга дахлдордир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ҲАМКОРЛИК

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон давлат ёш томошбинлар театри ва Ўзбекистон давлат академик рус драма театри техник ходимлари Хитойда малака оширдилар.

Театрларимиз техник мутахассислари Хитойда малака оширди

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Маданият вазирлиги ўртасидаги ушбу маданий алмашинув дастури доирасида вақтларимиз Пекин шаҳридаги «China National Opera House», «National Grand Theatre», «China National Children's Arts Theatre» ва «Beijing People's Art Theatre» ижодий жамоалари фаолияти билан танишдилар. Улар орттирган илғор тажрибалари келгусида театрларимиз техник имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашмоқда.

Даврон ШУКУРОВ.

«Хикматлар олами»

Ёшлар ижод саройида Республика «Хунарманд» уюшмаси ташаббуси билан мамлакатимизда ilk бор «Хикматлар олами» республика хаттотлик фестивали ташкил этилди.

ФЕСТИВАЛЬ



Хасан ПАЙДОВ оғилан ёзувчи.

Унинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, дипломатик корпус вакиллари, олимлар, хунармандлар, бадий ҳама амалий санъат намояндалари, ёшлар ва кенг жамоатчилик қатнашди. Таъдбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда миллий анъана-ю қадриятларимизни тиклаш, уста ҳамда хунармандлар ижодини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, хаттотлик услубида тайёрланган қўлёзмалар, китоблар, миниматура ҳамда тасвирий санъат асарлари, турли буюмлар, муқовалаш ишлари хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари рўйхатига киритилди. Ушбу фаолият билан шуғулланаётганлар бир қатор имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўтказилаётган танлов ҳамда фестиваллар хаттотларнинг ижодий ишларини халқимизга таништиришга хизмат қилаётти.

Мазкур фестивалда юздан ортиқ ижодий ишлар кўргазмага қўйилган. Нақошлик, чилангарлик, каштачилик, меъморчилик буюмлари, китоблар, гиламу сўзаналар, миниматура ва тасвирий санъат асарларига таърирланган битикларда муқаддас Қуръони карим оятлари, ҳадиси ҳикматли сўзлар жой олган. Иштирокчилар «Энг моҳир хаттот», «Хаттотликда тасвирий воситалар уйғунлиги», «Насх хати бўйича энг моҳир хаттот», «Насталик

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чекка қишлоқларда «Исузу»

Чортоқ туманидаги Ҳазратишо қишлоғи Қирғизистон Республикасининг Аксу тумани билан чегарадош. Наманган вилояти марказидан 60 километр олдидан жойлашган худуд ахли яқин-яқингача қўзланган манзилга катта машаққат билан етиб оларди.

ХИЗМАТ

Етти мингдан зиёд фуқаролар истиқомат қилаётган аҳоли пунктига эндиликда автобус қатнови йўлга қўйилди. Ушбу «Исузу» автобуси аниқ жадвал асосида ҳаракатлана бошлади. Бундан, энг аввало, туман ва вилоят марказига қатнаб ишлайдиганлар, олий ўқув юрлари талабалари, шунингдек, кекса ёшдаги фуқаролар мамнун.

Айтиш лозимки, вилоятда кейинги пайтда 7 та янги йўналиш очилиб, автобус хизмат кўрсатадиган манзиллар сон 230 тадан ортиди. — Яқунланган йилда биргина Наманган шаҳрининг ўзига 62 та жамоат транспорти келтирилди, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиги А. Абулходиев. — Ҳадемай, вилоят марказидаги барча йўналиш автобус хизмати билан қамраб олинади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Шароф Қурбонбаевич Галтемировга онаси

Қирмишхон Ғаниевна ГАЛТЕМИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Даврегедекадастр» қўмитаси жамоаси Иқтисодий таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиги Шерали Мавлоновга отаси **Лолла МАВЛОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОЖХОНА хабарлари

Наманган вилояти божхона бошқармаси мутасаддилари ташқи иқтисодий фаолият катнашчилари билан очик мулоқот ўтказди. Учрашув ишбилармонларга берилаётган имтиёз ва преференциялар, экспорт соҳасида яратилаётган қулайликлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимига бағишланди.

Ишбилармонлар қўллаб-қувватланмоқда

— Мулоқотни ташкил этишдан асосий мақсадимиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари М. Солиев. — Бугунги кунда амалдаги тартиблар соддалаштирилиб, тўловларда имтиёзлар берилаётгани юртимизда

ишбилармонлик муҳити яхшиланишига хизмат қилади. Таъдбирда, шунингдек, бу борадаги муаммолар омилини аниқлаш ва бартараф этиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Савол-жавоб ҳамда баҳо-мунозаралар учрашувнинг қизгин руҳда ўтишини таъминлади.

Мулоқотда кўп нарсга оидинлик киритилди

Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари Самарқанд вилоятидаги корхона ва ташкилотларда сайёр учрашувлар ташкил этиди.

Тадбирларда янги лойиҳалар ҳамда тақлифлар, муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, хусусий тадбиркорларнинг божхона хизмати билан ҳамкорлиги масалалари бир-галикда таҳлил этилди. Шунингдек, махсулотларни «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштириш, экспорт қилиш ҳамда валюта тушуми масалаларида кичик бизнес вакилларига фойдали маслаҳатлар берилди.

— Гилам ва гилам махсулотлари, сунъий чимлар ишлаб чиқармиз, — дейди Ўргут шаҳридаги «URGАЗ

CARPET» масъулияти чекланган жамияти раҳбари И. Ҳақимов. — Жаҳон бозорида ўз ўрнини бор. Экспорт жуғрофиясини кенгайтирашимиз. Сайёр учрашувда божхона расмийлаштирувига доир қўллаб-янгилардан хабардор бўлдик. Икки кун давом этган мулоқотларда божхоначилар импорт қилинаётган хом ашёларга қўшилган қиймат солиғини пасайтириш, тайёр махсулотларга импорт божхона бож ставкаларини ошириш тўғрисида тақлифлар ҳам олишди.

Сохта дорифурушлар фош этилди

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир муваффақиятли якунланди.

Натижада мамлакатимиз худудига руҳсатсиз олиб кирилиши тақиқланган, инсон асаб тизимига салбий таъсир кўрсатувчи дори воситаларини нокруний равишда пуллашга уринган кимсалар қилишлари фош этилди. Жумладан, Чилонзор туманида 3000 донга «Трамдол», Учтепа туманида эса 288 донга «Лирика» препаратлари сотилаётган чоғда «удда-бурон»лар қўлга олинди.

Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида **Ш. БУТАЕВ** тайёрланди.

Ёш шифокорнинг отаси нега қувонди?

Бухоро шаҳридаги Абдуҳалиқ Ғиждувоний кўчасида истиқомат қилувчи Мадина Ғафурованинг «Дадажон, мен ишга жойлашдим», дейиши Шокир акани беҳад қувонтирди.

БАНДЛИК

— Бухоро давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида таҳсил олдим, — дейди Мадина. — Дадам ҳар гал дастурхон бошида «Бугун-эрта ўқишинг тугай-

ди. Сени қаерга ишга жойлаштираман экан?» деб ўйга толардилар. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 декабрь кунги ўтказилган видеоселектор йиғилиши-

дан сўнг тиббиёт институтларини битираётган мен каби юзлаб ёшларнинг муаммоси ҳал этилди. Яшаш манзилимиздаги 5-сон оилавий поликлиникада шифокор вазифасида иш бошладим. Бу ота-онам учун Янги йилдаги ilk хушхабар бўлди.

Мазкур поликлиника бош врачси Акмал Ишонқуловнинг билдиришича, яқинда ушбу маскан жамоасига тиббиёт

олий ўқув юрларида таҳсил олган етти нафар ёш шифокор қабул қилинди. Уларга тажрибали мутахассислар устоз сифатида бириктирилди.

Вилоятда жорий йилда тиббиёт ўқув муассасаларининг тўрт минг нафарга яқин битирувчиси ўз яшаш манзили бўйича ишга жойлаштирилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйдаги озиқ-овқат махсулотлари етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

1-навли гуруч, перловка ёрмаси, арпа ёрмаси, олий навли ундан тайёрланган макарон махсулотлари, 1-навли йодланган ош тузи.

Мазкур озиқ-овқат махсулотлари ГОСТ талабларига жавоб бериши ҳамда мувофиқлик ва гигиена сертификатларига эга бўлиши лозим.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг.

Етказиб бериш шартлари: бюртмачи омборигача.

Танлов қуйдаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 245. 139 361 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИНГ ХИЗМАТИНИ МАЪМУМЛАШНИ ОҚИШ УШУ ОҞ-ХИЗМНИ ТЕЛЕФОНБИЧИ ОҚИШ СЌИРИ ШИЛДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб бериши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жавобдор.

Газета таҳрират марказида тервалд ҳамда оператор Ж. Тоғиев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Удумуродов.
Мусаххач — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси